

# НОРМА МАСЛАХАТЧИ


ҲУҚУҚ  
СОЛИҚЛАР  
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

Парламент хабарлари

## ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

4 октябрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Депутатлар Қонунчилик палатасининг Кенгаши томонидан таклиф этилган кун тартибини тасдиқладилар



Депутатлар  
«Ўзбекистон

Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда муҳокама қилдилар. Қонун лойиҳасига биноан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал, Фуқаролик ва Оила кодексларига, шунингдек «Қишлоқ хўжалиги корхоналарини санация қилиш тўғрисида»ги, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги, «Маданий бойликларнинг олиб чиқилиши ва олиб кирилиши тўғрисида»ги, «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Психиотрия ёрдами тўғрисида»ги, «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги, «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги ҳамда «Риэлторлик

фаолияти тўғрисида»ги қонунларга ўзгартишлар киритиш назарда тутилмоқда. Мазкур ўзгартишлар қонунлардаги атамаларни ўзаро мувофиқлаштириш мақсадида киритилмоқда.

Қонун лойиҳаси батафсил модда-модда муҳокама этилганидан кейин қабул қилинди ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига юборилади.

Депутатлар «Интеллектуал мулк тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда кўриб чиқдилар. Тузатишлар «Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида»ги, «Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»ги, «Селекция ютуқлари тўғрисида»ги, «Интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғри-

сида»ги, «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги қонунларга, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ва Солиқ кодексларига киритилмоқда. Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши интеллектуал мулк соҳасидаги нормалар ва атамаларнинг бирхиллаштирилишини ҳамда бир тахлитда қўлланишини таъминлайди, шунингдек ҳуқуқ эгаларининг интеллектуал мулк объектига бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усулларини кенгайтириш имконини беради.

Депутатлар муҳокама чоғида билдирилган фикр ва мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда мазкур қонун лойиҳасининг асосий қоидаларини маъқуладилар ва уни биринчи ўқишда қабул қилдилар.



Депутатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ваколатига кирадиган бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқдилар.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Матбуот хизмати материали асосида тайёрланди.**

Қонунчиликдаги янгиликлар

## ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

Тақдим этилаётган ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан [www.norma.uz](http://www.norma.uz) сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.

### БОЛАЛАРГА ДАВЛАТ ФАМХЎРЛИГИ

Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 23 сентябрдаги «Республика болалар ижтимоий мослашуви марказини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 267-сон қарори билан Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази (бундан кейин – Марказ) фаолиятини янада ривожлантириш тадбирларини амалга ошириш тўғрисида қарор қабул қилинди. Ҳужжат билан, хусусан, муҳандислик тармоқлари ва коммуникацияларини модернизациялаш, ногирон болаларнинг сузиши учун махсус сузиш ҳавзасини қуриш ва зарур асбоб-ускуналар ва жиҳозлар билан қўшимча жиҳозлаш йўли билан Марказнинг моддий-техник базасини кучайтириш; 2012–2014 йиллар давомида Қарши, Самарқанд ва Фарғона шаҳарларида Марказнинг минтақавий филиалларини босқичма-босқич ташкил қилиш назарда тутилган. Мазкур вилоятлар ҳокимликлари Марказнинг минтақавий филиалларини жойлаштириш учун тегишли бинолар ажратилади ва ТИАИСВ билан биргаликда қурилиш ишларини молиялаштириш ҳамда зарур ускуналар ва жиҳозлар харид қилиш учун хорижий ва маҳаллий ташкилотларнинг грант маблағларини жалб қилишга доир муайян чораларни кўради. Ҳужжат билан шунингдек хўжалик юритувчи субъектлар ва ташкилотларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган чора-тадбирларни амалга ошириш учун ихтиёрий хайрия ёрдами кўрсатиш ташаббуси ҳам маъқулланди.

Молия вазирлигига жорий йилда Марказ ходимларининг сони ошганлиги билан боғлиқ қўшимча харажатлар учун зарур бюджет маблағлари ажратиш, 2012 йилдан бошлаб эса Давлат бюджети параметрларида ушбу харажатларни қоплаш ва республика бюджетининг таълим учун йўналтирилган маблағлари ҳисобига Марказнинг ташкил қилинаётган минтақавий филиалларини молиялаштириш топширилди.

### ЁШ АВЛОД ТЎҒРИСИДАГИ ФАМХЎРЛИК

Молия вазирлиги ва Халқ таълими вазирлигининг қарори (АВ томонидан 2011 йил 23 сентябрда 2267-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан «Баркамол авлод» болалар

марказларида болалар ўқиганлиги учун ота-оналар тўловини ундириш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди. Унга мувофиқ, тўлов бир ой учун ЭКИХнинг 10 фоизи миқдоридан – вилоят шаҳарларида, Нукус ва Тошкент шаҳарларида, ЭКИХнинг 5 фоизи миқдоридан – республиканинг бошқа туманлари (шаҳарлари)да ота-она (уларнинг ўрнини босувчи шахслар) ва «Баркамол авлод» болалар маркази (бундан кейин – Марказ) ўртасида тузилган шартномага асосан ундирилади. Шартномада тўлов белгиланган миқдорда ва узрли сабабларсиз тўланмаган тақдирда боланинг таълим олишини тўхтатиш ва бекор қилиш шартлари кўрсатилиши шарт. Тўлов ҳар ойда жорий ой учун мазкур ойнинг 10-санасидан кечикмасдан тўланади. Низомда шунингдек тўлов ўз вақтида тўланмаганда боланинг Марказдаги ўқишининг тўхтатилиши ва бекор қилиниши ҳолатлари белгиланган.

Боланинг Марказга қатнаши бекор қилинганда жорий ой тўлови ота-она (уларнинг ўрнини босувчи шахслар)нинг бола «Баркамол авлод» болалар марказига қатнаши бекор қилинганга қадар камида 3 кун олдин берган ёзма аризасига асосан тўлиқ бўлмаган ой учун тўланиши мумкин.

Белгиланишича, бола биттадан ортиқ тўғарақда ўқийдиган бўлса, тўлов ҳар бир тўғарақда ўқиганлик учун белгиланган миқдорда алоҳида ундирилади.

Марказларда таълим олувчиларнинг тегишли контингенти умумий сонининг 15 фоизи доирасида кам таъминланган оилаларнинг болалари тўловдан озод қилинади. Бунда, биринчи навбатда ота-онаси (биттаси ёки иккаласи) I ёки II гуруҳ ногирони бўлган кам таъминланган оила болалари, шунингдек ҳар бир оила аъзоси учун ҳисоблаганда ўртача ойлик даромади энг паст даражада бўлган кам таъминланган оила болалари тўловдан озод қилинади. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан оиланинг кам таъминланганлиги тўғрисида Марказга тақдим этилган маълумотнома болани тўловдан озод қилиш учун асос бўлади.

Болалар «Меҳрибонлик» уйлари, болалар шаҳарчалари, «SOS – Ўзбекистон болалар маҳаллалари» уюшмаси тарбия муассасалари тарбияланувчилари ҳам марказларда ўқиганлик учун тўловдан озод қилинади.

Тўлов сифатида тушган маблағлар «Баркамол авлод» болалар марказларига тўғарақ ишлари учун зарур материаллар ва хом ашё сотиб олишга мақсадли йўналтирилади.

Низомда шунингдек бошқа масалалар ҳам тартибга солинган. 2011 йил 3 октябрдан кучга кирди.

### ҲУЖЖАТЛАР МУВОФИҚЛАШТИРИЛДИ

Президентнинг 2011 йил 25 августдаги ПҚ-1604-сон қарори билан хусусий мулкчиликни ривожлантириш йўлида ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ошириш ва маҳсулотларни экспортга етказиб беришни кўпайтиришда кичик бизнес субъектларининг фаол иштирок этишлари учун қулай шарт-шароитларни яратишга йўналтирилган чора-тадбирлар қабул қилинган.

Юқорида кўрсатиб ўтилган ҳужжатнинг 4-бандида белгиланишича, 2011 йилнинг 1 октябридан бошлаб товарлар, ишлар ва хизматларни экспорт қилувчи микрофирмалар ва кичик корхоналар учун давлат божхона хизмати органларида экспорт контрактларини ҳисобга қўйиш товарларнинг божхона расмийлаштируви жараёнида бевосита божхона постларида амалга оширилади. Шуни таъкидлаш керакки, ушбу тартиб Президентнинг 1997 йил 10 октябрдаги ПФ-1871-сон Фармони<sup>1</sup> билан тасдиқланган рўйхатга мувофиқ хом ашё товарлари экспортига татбиқ этилмайди.

Мазкур ҳужжат қоидаларини амалиётга жорий этиш мақсадида Давлат божхона қўмитасининг қарори (АВ томонидан 2011 йил 26 сентябрда 832-5-сон билан рўйхатдан ўтказилган) қабул қилинди. Ушбу ҳужжат билан Ўзбекистон Республикаси божхона органларида контрактлар (шартномалар) ва битимларни ҳисобга қўйиш тартибига<sup>2</sup> юқорида кўрсатилган Президент қарорига мувофиқлаштирувчи ўзгартиришлар киритилди.

Чунончи, товарларни экспорт қилувчи микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан тузилган экспорт контрактлари ваколатли органларда рўйхатдан ўтказилган (агар рўйхатдан ўтказиш зарур бўлса) ва ваколатли банкда ҳисобга қўйилгандан кейин божхона расмийлаштируви жараёнида бевосита божхона постларида ҳисобга қўйилиши керак.

Олдинлари бундай экспорт контрактлари бошқа корхоналар учун ҳам бўлганидек умумий тартибда, божхона органларига ариза келиб тушган санадан бошлаб 3 иш куни давомида ДБҚнинг худудий божхона органларида ҳисобга қўйиларди. Яъни юқорида кўрсатилган контрактларни ҳисобга қўйиш таомили бекор қилинмайди, бироқ ҳисобга қўйишнинг бутун жараёни божхона расмийлаштируви давридан ошиб кетиши мумкин эмаслиги сабабли уни ўтказиш муддати қисқармоқда. Бунда ҳисобга қўйиш учун зарур бўлган ҳужжатлар рўйхати аввалгидек қолган.

2011 йил 24 сентябрдан 30 сентябргача бўлган даврда қабул қилинган меъърий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қисқача шарҳларини «Norma» МЧЖ юрисконсулти Абдураҳмон БАХТИЕВ тайёрлади.



<sup>1</sup>Рўйхат ҳужжатга 2-иловада келтирилган. Унга: пахта толаси, ип калава, пахта линти, хом нефть, газ конденсати, нефть маҳсулотлари, табиий газ, электр энергияси, қимматбаҳо, рангли ва қора металллар сингари товарлар кирди.

<sup>2</sup>ДБҚ томонидан тасдиқланган, АВ томонидан 1999 йил 15 октябрда 832-сон билан рўйхатдан ўтказилган.

УШБУ  
СОҒДА

2-бет

3-бет

5-бет

6-7-бетлар

Телефон орқали саволларингизга жавоблар

Тадбиркорлик: қайси рухсатномалар бекор қилинди?

Кўчиб кетганларга пенсия тўлаш тартиблари

Саволлар кадрлар масаласига доир

\$1 = 1750,27 сўм

€1 = 2369,07 сўм

£1 = 2720,97 сўм

¥10 = 227,37 сўм

**Ташкилот ўзининг ходимига бошқа корхонадан ТМБ олишга ишончнома ёзиб берди. Товарлар турли сабабларга кўра ишончнома ёзилган пайтдан бошлаб 10 кундан кўп вақт берилмади. Ниҳоят масала ҳал бўлганида корхона бухгалтерияси бизнинг ходимимизга ТМБ беришдан бош тортиб, буни ишончнома кўпи билан 10 кунга ёзилиши мумкинлигини вақт қилиб кўрсатди, биз эса уни бир ойга расмийлаштирган ва ТМБни олиш пайтида ҳали унинг муддати тугамаган эди. Ушбу талаб тўғрими? Товар-моддий бойликларни олишга ишончнома қонун бўйича қанча муддатга ёзилиши лозим?**

Бош бухгалтер.

## ИШОНЧНОМА МУДДАТИ ҚАЧОНГАЧА?

– Йўқ, мазкур талаб қонун ҳужжатларига зиддир. Товар-моддий бойликларни олишга ишончномалар бериш ва уларни ишончномалар бўйича бериш тартиби тўғрисида низомнинг (молия вазирининг АВ томонидан 2003 йил 27 майда 1245-сон билан рўйхатдан ўтказилган буйруғи билан тасдиқланган) 6-бандига мувофиқ ишончноманинг амал қилиш муддати у асосида ишончнома берилган шартномалар ва бошқа битимлар бўйича тегишли бойликларни олиш ва олиб чиқиб кетиш имкониятига боғлиқ равишда бел-

гиланади, бироқ у қонун ҳужжатларида белгиланган муддатдан ошмаслиги керак. Фуқаролик кодекси (бундан буён – ФК) 139-моддасининг биринчи қисмига биноан ишончнома кўпи билан уч йил муддатга берилиши мумкин. Агар ишончномада муддат кўрсатилган бўлмаса, у берилган кундан бошлаб бир йил мобайнида ўз кучини сақлайди.

Шу тариқа, сиз томонингиздан ёзилган ишончноманинг муддати юқорида келтирилган меъерий-ҳуқуқий қоидаларга мувофиқ келади.

## «NON STOP» РЕЖИМИДАГИ ДЕКРЕТ



Ходимамиз декрет таътилига чиқди. У кетма-кет 3 болали бўлди. Ходима корхонамизга келиши ва кейинги таътиллarga ариза ёзиши керакми?

Кадрлар бўйича инспектор.

– Ҳомиладорлик ва туғиш таътили ҳамда ундан кейинги болани 2 ёшга тўлгунча парваришlash таътили иш берувчининг буйруқлари билан расмийлаштирилади. Ходиманинг аризалари керак эмас, чунки мазкур таътиллари мажбурий тартибда берилади (Меҳнат кодекси (МК)нинг 233-моддаси, 234-моддасининг биринчи қисми).


Агар иккинчи ҳомиладорлик ходима бола 2 ёшга тўлгунча парваришlash таътилида бўлиш даврида юз берса, ҳомиладорлик ва

туғиш таътили иш берувчининг буйруғи билан, вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик варақаси асосида, **ходиманинг аризасисиз** расмийлаштирилади. Мазкур таътил тугаганидан кейин 2 ёшга етгунча иккинчи болани парваришlash таътилини бериш тўғрисидаги буйруқни расмийлаштириш лозим. Бу ҳолда ҳам ходиманинг ариза бериши **шарт эмас**. Бунинг устига, агар бола 2 ёшга тўлгунча уни парваришlash таътили вақти тугаган бўлса, ходима иккинчи боласи 3 ёшга тўлгунча

яна 1 йилга таътил олишга ҳақлидир. Ушбу таътилга эса **ариза талаб қилинади**, чунки у аёлнинг хоҳишига кўра берилади (МК 234-моддасининг иккинчи қисми). Агар аёлдан бундай ариза келиб тушмаса, расман у ишга чиқиши ва ўзининг меҳнат вазифаларини бажаришга киришиши шарт.

Учинчи ҳомиладорлик ва учинчи болани 2 ёшга тўлгунча парваришlash таътили билан боғлиқ вазият дастлабки икки таътилга ўхшашдир.

### Реклама



Эксперт маълумотнома тизими

## ИШ БЕРУВЧИГА ҚЎЛЛАНМА

Харид қилиш масалалари бўйича қуйидагиларга мурожаат қилинг: Тошкент ш., М.Улугбек тумани, Ҳ.Олимжон майд., 10А-уй. Тел.: (998 71) 237-07-78, тел./факс: (998 71) 237-45-29. E-mail: info@norma.uz, web: www.norma.uz

## НАСОСЛАР КИМГА БЕРИЛАДИ?

**Ишлаб чиқариш корхонасига ҳокимлик ер участкаси ажратди, корхона бу ерда ўз ходимларининг яшаши учун 4 қаватли турар жой қурди. Корхона ушбу уйда яшовчиларнинг эҳтиёжлари учун иссиқ ва совуқ сувни узлуксиз узатишга 2 насос ва электр қуввати таъминоти учун 1 трансформатор ўрнатиш мажбуриятини олди. Корхонанинг раҳбарияти кўрсатилган ускуналардан лозим даражада фойдаланилишини таъминлаш учун маҳаллий ташкилотлар тегишинча сув ва электр қуввати таъминотини балансларига қабул қилишларини хоҳлайди. Насослар ва трансформаторни юқорида кўрсатилган хизмат кўрсатувчи ташкилотлар балансига топшириш таомили қандай?**

Ички аудитор.

– Қонун ҳужжатларида мазкур таомил батафсил қайд этилмаган. Бироқ ҳуқуқни қўллаш амалиётида айрим ҳолларда қуйидаги чизмани қўллаш мумкин. Корхона тегишли фойдаланиш ташкилоти раҳбарининг номига эркин шаклдаги буюртма хатни юборади. Ускуналарни ўз балансига қабул қилишдан манфаатдор бўлса, мазкур ташкилот ускунанинг ҳолатини баҳо-

лаш, унинг тўғри ўрнатилганлигини текшириш, истеъмолчиларни қўшимча улаш имкониятини аниқлаш ва бошқа мақсадларни кўзлаб ўзининг мутахассисларини юбориши мумкин. Ташкилот раҳбарияти томонидан ижобий қарор қабул қилинган тақдирда ускуналар текинга бериш шартномаси ва топшириш далолатномаси асосида берилади.

## ЎЗИ БЎЛСА – ИШОНЧНОМАСИЗ

**Якка тартибдаги тадбиркор етказиб берувчидан олди-сотди шартномаси бўйича харид қилинган товарларни олиш чоғида товар-моддий бойликларни олишга ишончнома ёзиши шартми?**

МЧЖ директори.

– Агар товар-моддий бойликларни корхонанинг омборидан тадбиркорнинг ўзи олса, ишончномани расмийлаштириш керак эмас. Агар якка тартибдаги тадбиркорнинг вакили олса – унда белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома бўлиши керак (ФКнинг 134, 135, 139-моддалари).



**Корхонамиз дирекцияси кўрлар жамияти босмаҳонасига товарни ҳақ олмасдан беришга қарор қилди. Ягона солиқ тўлови ҳисоб-китобининг 025-сатрида товарларни таннархидан паст нархда реализация қилиш ва текинга беришдан зарарлар кўрсатилади, бундан товарларни экология, соғломлаштириш ва хайрия жамғармалари, маданият, соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, жисмоний тарбия ва спорт, таълим муассасаларига текинга беришдан зарарлар мустасно. Қабул қилувчи ташкилот айтилган тоифалардан бирига кириш-кирмаслигини қандай қилиб аниқлаш керак? Ушбу ташкилотларнинг бирор-бир тасдиқланган рўйхатлари борми? Мол-мулкни текинга бериш қандай ҳужжатлар билан расмийлаштирилади?**

Бош бухгалтер.

## МАНСУБЛИКНИ ХХТУТ БЕЛГИЛАЙДИ



– Кўрсатилган ташкилотларнинг меъерий-ҳуқуқий тартибда тасдиқланган рўйхатлари мавжуд эмас. Аниқ юридик шахс қай тармоққа мансублигининг базавий кўрсаткичи бўлиб унга ХХТУТ бўйича берилган классификациялаш коди ҳисобланади.

Чунончи, барча маданият муассасалари мазкур классификаторнинг 93000 позицияси билан қамраб олинган. Уларга, хусусан, кутубхоналар (93110), музейлар (93131), маданият ва истироҳат боғлари (93160) ва ҳоказолар киради. Соғлиқни сақлаш муассасалари ХХТУТнинг 91500 позицияси бўйича классификацияланган гурӯҳга киради ва касалхоналар (91511), диспансерлар (91513), санатория-курорт муассасалари (91517) ва ҳоказоларни ўз ичига олади. Шу тариқа, сизнинг олувчингиз юқорида кўрсатилган ташкилотларнинг бирор-бир тоифасига киришини белгилаш учун унга берилган **ХХТУТ кодини** билишингиз зарур.

Мол-мулкни текинга (ҳақ олмасдан) бериш **ҳада шартномаси** асосида амалга оширилади. Қабул қилиш-топшириш далили **далолатнома** билан тасдиқланади.

Телефон орқали саволларга «Норма» МЧЖнинг эксперт юридик хизмати бошлиғи Артём МОКШИН жавоб берди.

УШБУ СОНДА:

### ✓ ПАРЛАМЕНТ ХАБАРЛАРИ

– Қонун лойиҳалари кўриб чиқилди **1-бет**

### ✓ БЕВОСИТА МУЛОҚОТ

– Ишончнома муддати қачонгача?

– «Non stop» режимидаги декрет

– Насослар кимга берилади?

– Ўзи бўлса – ишончномасиз

– Мансубликни ХХТУТ белгилайди

– Валюталар курси **2-бет**

### ✓ ҚОНУНЧИЛИҚДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

– Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

– Рухсатномалар сони 50 тага камайд **1, 3-бетлар**

### ✓ ЮРИДИК МАСЛАХАТЛАР

– Легаллаштириш қоидаларига кўра

– Квартирада яшамаслик мумкин, бироқ

кредитни узиш шарт

– Зарурий расмиятчилик

– Қайта ҳисоб-китоб қилинмайди

– Сайланса-да, сийланмайди **4-бет**

### ✓ ИЖТИМОЙ ТАЪМИНОТ

– Кўчиб кетганларга пенсия қандай

берилади **5-бет**

### ✓ КАДРЛАР БЎЛИМИ

– «Ўриндошлик бўйича» директор

– Жадвалга қараб дам оламиз

– Йўқотишнинг ўрнини тўлдирса бўлади

– Аттестациядан ўтмади. Ишдан бўшатиш керакми?

– Таътилни таътилдан фарқи бор **6-7-бетлар**

– Таътилни таътилдан фарқи бор **6-7-бетлар**

– Таътилни таътилдан фарқи бор **6-7-бетлар**

– Таътилни таътилдан фарқи бор **6-7-бетлар**

– Таътилни таътилдан фарқи бор **6-7-бетлар**

– Таътилни таътилдан фарқи бор **6-7-бетлар**

– Таътилни таътилдан фарқи бор **6-7-бетлар**

– Таътилни таътилдан фарқи бор **6-7-бетлар**

– Таътилни таътилдан фарқи бор **6-7-бетлар**

### МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курс	бирлиги	курс	бирлиги	курс
Озарбайжон	6.10.2011	1	0,787	1	1,049	1	0,0242
Арманистон	6.10.2011	1	374,89	1	501,42	1	11,57
Беларусь	7.10.2011	1	5758,00	1	7676,57	1	177,12
Грузия	6.10.2011	1	1,6706	1	2,2331	1	5,1187
Қозоғистон	7.10.2011	1	148,34	1	198,46	1	4,58
Қирғизистон	7.10.2011	1	45,26	1	61,145	1	1,406
Латвия	7.10.2011	1	0,527	1	0,702804	1	0,0162
Литва	7.10.2011	1	2,5874	1	3,4528	10	7,9562
Молдова	6.10.2011	1	11,9819	1	15,9993	1	0,3677
Тожикистон	7.10.2011	1	4,7512	1	6,3188	1	0,1474
Ўзбекистон	4.10.2011	1	1750,27	1	2369,07	1	54,51
Украина	6.10.2011	100	797,27	100	1063,319	10	2,4428
Эстония	31.12.2010	1	11,7107	1	15,6466	1	0,383246

Манба: www.prime-tass.ru

Президентнинг «Бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарори (2011 йил 25 августдаги ПҚ-1604-сон) билан 2011 йил 1 сентябрдан бошлаб кўпгина рухсат берувчи ҳужжатлар бекор қилинди.

# РУХСАТНОМАЛАР СОНИ 50 ТАГА КАМАЙДИ

Уларнинг энг муҳимларини кўриб чиқамиз.

## КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ СОҲАСИДА

**?** Автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчасини қуриш учун энди қандай рухсатномани олиш талаб қилинмайди?

**✓** Ёнилғи қуйиш шохобчаларини қуришни энди Қорақалпоғистон Республикасининг Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг рухсатини олмасдан ҳамда «Ўзнефтмахсулот» АК билан келишмасдан бошлаш мумкин.

## АВТОМОБИЛЬ, ТЕМИР ЙЎЛ, ДАРЁ ВА ҲАВО ТРАНСПОРТИ СОҲАСИДА

**?** Юк жўнатувчилар учун нималар ўзгарди?

**✓** Биринчидан, темир йўлга: юклар ташишнинг кенгайтирилган режасини; юкларни ташиш ҳажми тўғрисида ахборотни тақдим этиш бекор қилинди.

Иккинчидан, энди асосий ойлик юк ортиш режасини бажариш тартибини келишиш талаб қилинмайди.

Учинчидан, қуйидагиларга рухсатнома бериш бекор қилинди:

юкларни асосий ойлик ортиш режасидан ёки режадан ташқари юкларга;

юкларни станция ичида (битта тариф пункти доирасида) ташишга;

темир йўл станцияси режасида назарда тутилган юк жўнатишни темир йўл доирасида ўзгартиришга;

режа номенклатурасида назарда тутилган юкларнинг айрим гуруҳлари доирасида бир турдаги юкни бошқа турдаги юк билан алмаштиришга;

ички йўлларда ташиш бўйича асосий ойлик режада назарда тутилган қабул қилиш темир йўл станциясини ўзгартиришга;

юк олувчи томонидан темир йўлларда юк ташиш тўловларини қабул қилиш темир йўл станциясида тўлашга;

темир йўлларнинг шохобча йўлларида хизмат кўрсатишга.

Ташиш муддатлари, юкларнинг ҳажмлари ва бошқа шартлар энди фақат ташиш шартномалари билан белгиланади.

**?** Ташқи рекламани жойлаштириш бобида нима ўзгарди?

**✓** Ташқи рекламани жойлаштириш жойларини ЙХДХ органлари билан келишиш талаби бекор қилинди.

## ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ СОҲАСИДА

**?** Мазкур соҳада тадбиркорлар учун қандай рухсат бериш ҳужжатлари бекор қилинди?

**✓** Улар учун қуйидагилар бекор қилинди: импорт ва экспорт контрактини ҳисобга қўйиш тўғрисидаги гувоҳнома;

импорт операцияларини амалга оширувчи субъектнинг ҳисобга олиш карточкаси;

хорижда ишлаб чиқарилган озиқ-овқат спиртининг олиб киришга рухсатнома;

илмий-тадқиқот ишлари, ноу-хау, ихтиролар натижаларини экспорт қилишга рухсатнома;

юқори ликвидли ҳисобланмаган товарларни экспорт қилишга бартер контрактларини тузишга рухсат олиш тўғрисидаги қарор.

**?** Импорт ва экспорт контрактларини ҳисобга қўйиш тўғрисидаги гувоҳнома бекор қилиш таомилнинг ўзини бекор қилишни аниқлаш?

**✓** Йўқ, таомилнинг ўзи сақланиб қолади. Энди қоғоз шаклида гувоҳнома олиш талаб қилинмайди. Ахборотнинг ҳаммаси Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизимига киритилади.

**?** Айрим товарларнинг экспорти ва импортига рухсатнома беришни бекор қилиш нимани аниқлади?

**✓** Бунинг маъноси шуки: юқори ликвидли бўлмаган товарларнинг бартер асосида экспортини Қорақалпоғистон Республикасининг Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг рухсатини олиш талаб қилинмайди; илмий-тадқиқот ишлари, ноу-хау, ихтиролар натижалари

нинг экспортини Фан ва техника давлат қўмитасининг рухсатини олиш талаб қилинмайди;

хорижда ишлаб чиқарилган озиқ-овқат спиртининг импортини Вазирлар Маҳкамасининг рухсатини олиш талаб қилинмайди.

**?** Хориждан тушум келишини кечиктирилганлик учун жарима тўлаш таомилида нималар ўзгарди?

**✓** Киритилган ўзгартишлар муносабати билан: кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун хориждан тушум келишини кечиктиришнинг йўл қўйиладиган муддат узайтирилди. Илгари улар учун бу муддат, худди бошқа субъектлар учун ҳам бўлганидек, 30 банк кунини ташкил қилган, энди у 60 банк кунини ташкил қилади. Бошқа субъектлар учун муддат аввалгидек қолди – 30 кун;

жарима келиб тушмаган валюта маблағларининг суммасига фоиз нисбатида тўланади ва кечиктириш муддатига боғлиқ бўлади. Илгари хориждаги валюта тушумининг келиб тушишини 30 банк кунидан кўп муддатга кечиктирилган экспортчига нисбатан, белгиланган муддат тугагандан кейин, кечиктириш муддатидан қатъи назар, солиқ органлари томонидан келиб тушмаган валюта маблағлари суммасининг 100% эквивалентида молиявий санкция қўйилган. Энди жарима кечиктириш муддатига боғлиқ:

белгиланган муддатлардан 30 (60) кундан 180 кунгача кечиктирилса, келиб тушмаган валюта маблағлари суммасининг 10%и ундирилади;

180 кундан 365 кунгача кечиктирилса – қўшимча 20% ундирилади, яъни 10% + 20%, жами 30%;

365 кундан ошиб кетса – қўшимча 70% ундирилади, яъни (10% + 20%) + 70% = 100%.

**?** Бу 100% миқдоридagi жаримани энди экспортчи фақат тушумнинг келиб тушиши бир йилдан кўп муддатга кечиктирилган тақдирда тўлашни аниқлади?

**✓** Ҳа. Бир йилга қадар кечиктирилганда жарима келиб тушмаган валюта маблағлари суммасининг 30%идан кўп бўлмайди.

## САВДО ВА УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ СОҲАСИДА

**?** Чакана савдони турғун шохобчалар орқали ва буюм бозорларида амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркорлар учун нималар ўзгарди?


**✓** Улар учун қуйидагилар бекор қилинди: чакана савдони амалга ошириш ҳуқуқини берувчи рухсат гувоҳномаси; импорт товарларнинг чакана савдоси учун импорт операцияларини амалга оширувчи субъектнинг ҳисобга олиш карточкаси.

Бу 2011 йил 1 сентябрдан бошлаб якка тартибдаги тадбиркорлар чакана савдони амалга ошириш ҳуқуқига рухсат гувоҳномасини олиш мақсадида турғун чакана савдо шохобчаси жойлашган жойдаги туман (шаҳар) ҳокимлигига мурожаат қилмасликлари кераклигини ва улар бунингсиз савдо фаолиятини амалга оширишга ҳақли эканликларини аниқлади.

Ҳа, энди якка тартибдаги тадбиркор савдо фаолиятини гувоҳномасиз амалга ошириши мумкин. Шунингдек, энди тадбиркорлар томонидан товарларнинг чакана реализациясига нисбатан назарда тутилган бошқа талаблар (турғун шохобчалар орқали савдо қилиш чоғида НКМнинг бўлиши ва ҳоказолар) тўлиқ ҳажмда сақланган.

**?** Илгари якка тартибдаги тадбиркорларга чакана савдони амалга ошириш ҳуқуқини берадиган рухсат гувоҳномасида мазкур гувоҳномага биноан чакана реализация қилишга рухсат берилган товарлар гуруҳлари албатта кўрсатилар эди. Бу ҳол энди якка тартибдаги тадбиркор барча турдаги товарларни реализация қилиш ҳуқуқига эгаллигини билдирадими?

**✓** Йўқ. Якка тартибдаги тадбиркорнинг айрим турдаги товарларни реализация қилишига чекловлар бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам келтирилган. Масалан, Хусусий тадбиркорлар юридик шахс ташкил этмасдан шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари рўйхатига (ВМнинг 2011 йил 7 январдаги 6-сон қарорига 1-илова) му-



вофиқ якка тартибдаги тадбиркор қуйидагиларни реализация қилиш ҳуқуқига эга эмас:

ўсимлик мойи ва алкоғолли маҳсулотлар; нефть маҳсулотларининг барча турлари, қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган буюмлар ёхуд бундай материаллар қўлланилган буюмлар, кино ва видео маҳсулотлари, янги импорт автомобиллар ва фармацевтика товарлари.

ПҚ-1604-сон қарор қабул қилиниши билан бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиришларнинг ҳаммаси ҳали киритилмаганлиги боис мазкур товарлар рўйхати тўлдирилиши ёки ўзгартирилиши мумкин.

**?** Киритилган ўзгартиришлар муносабати билан импорт товарларнинг чакана савдосини амалга оширадиган якка тартибдаги тадбиркор қандай ҳужжатларга эга бўлиши лозим?

**✓** Аввало импорт товарлар чакана савдосини амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркор экспорт-импорт операциялари ва чакана савдони амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган, юридик шахсни ташкил этмаган якка тартибдаги тадбиркор сифатида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиши керак. У республика ҳудудига товарлар олиб кирганлиги ҳамда улар божхонада расмийлаштирилганлиги, божхона тўловлари ва қатъий белгиланган солиқни тўлаганлигини тасдиқлайдиган ҳужжатларга ҳамда мувофиқлик сертификатларига эга бўлиши шарт. Рўйхатдан ўтказиш жойидаги давлат солиқ инспекцияси берган, импорт операцияларини амалга оширувчи субъектнинг ҳисобга олиш карточкаси бўлиши кераклиги тўғрисидаги талаб эндиликда бекор қилинган.

**?** Барча деҳқон бозорлари, шаҳар ва қишлоқ дўконларида термик ишлов берилган совутилган сут сотувчи тадбиркорлар учун нималар ўзгарди?

**✓** «Ўзстандарт» агентлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва уларнинг ҳудудий бошқармалари Сертификатлаштирилган маҳсулотлар ва хизматларни инспекция назоратидан ўтказиш қоидалари (рўйхат рақами 1464, 2005 йил 6 апрель) ҳамда Озиқ-овқат маҳсулотларига, уларни ишлаб чиқариш воситаларига ва халқ истеъмоли молларига гигиеник сертификати бериш тартиби тўғрисидаги йўриқномага (рўйхат рақами 1525, 2005 йил 28 ноябрь), шунингдек бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ амалга оширадиган сифатни тасдиқлаш таомили бекор қилинди. Бироқ 1525-сон йўриқномага мувофиқ мазкур маҳсулотни ишлаб чиқарувчилар учун гигиеник сертификат олиш таомили сақлаб қолинди ва аввалгидек кўрсатилган маҳсулотга сертификат олиниши мажбурийдир.

## БОШҚА СОҲАЛАРДА

**?** Матбаа корхоналари ва тамга-ўймакорлик устахоналари учун нималар ўзгарди?

**✓** Матбаа корхонасига энди қуйидагилар талаб қилинмайди:

корхона очиш ва фаолият юритишга ҳамда матбаа ускуналарини харид қилишга ИИВнинг рухсатномасини олиш; матбаа корхонасини Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатдан ўтказиш учун матбаа корхонасини ишлаб чиқариш биносининг санитария, ёнғин хавфсизлиги, экология талабларига мувофиқлиги, техник воситалар (қурилмалар) ва ёнғиндан муҳофаза қилиш сигнализациялари билан таъминланганлиги тўғрисида да-лолатномалар тақдим этиш.

Матбаа корхоналарини Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатдан ўтказиш таомилнинг ўзи аввалгидек қолди. Талабгор давлат рўйхатидан ўтказиш гувоҳномасининг нотариал тасдиқланган нусхаси, рўйхатдан ўтказиш учун давлат божи тўланганлигини тасдиқлайдиган ҳужжат ва тури, номи ҳамда миқдорини кўрсатган ҳолда ўрнатилган ёки ўрнатиш мўлжалланган матбаа ускуналарининг рўйхатини илова қилган ҳолда ариза топширади.

Тамга-ўймакорлик устахоналари учун бундай устахоналарни очиш ва фаолият юритишига ИИВнинг рухсатномасини олиш бекор қилинди.

Елена ЕРМОХИНА,  
«Норма» МЧЖнинг ҳуқуқий масалалар бўйича  
эксперт-маслаҳатчиси.

## ЛЕГАЛЛАШТИРИШ ҚОИДАЛАРИГА КЎРА

**?** Бошқа мамлакатлар компанияларининг муҳрлари босилган ҳужжатларнинг Ўзбекистонда қўлланилиши учун уларни легаллаштириш шартми? Масалан, агар ўзбек компаниясининг муассиси Венгрия компанияси бўлса, ушбу ҳолда муассиснинг қарори, иш берувчи сифатида венгер компанияси Ўзбекистон корхонасининг бош директори билан тузган меҳнат шартномасини легаллаштириш керакми?

М.Назиев.

– Агар халқаро шартномаларда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, хорижий давлатнинг ташкилот ва муассасаларидан келиб тушадиган ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган ташкилот ва муассасаларга юбориладиган барча ҳужжатлар легаллаштирилиши керак (Консуллик легаллаштириши тўғрисида йўриқноманинг<sup>1</sup> 4-банди). Муассиси хорижий компания бўлган ташкилотнинг ички ҳужжатларини легаллаштириш талаби қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган. Шу тариқа, масалан, тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш органларига юбориладиган, муассис сифатида хорижий корхонанинг муҳри қўйилган ўзбекистонлик юридик шахснинг уставини легаллаштириш зарур. **Муассиснинг ташкилот раҳбарини тайинлаш тўғрисидаги қарори ва у билан меҳнат шартномасини эса легаллаштириш талаб қилинмайди.**

Хорижда легаллаштириш Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасалари, Ўзбекистон Республикасида эса Ташқи ишлар вазирлигининг Консуллик бошқармаси томонидан амалга оширилади (Консуллик легаллаштириши тўғрисида йўриқноманинг 2-банди<sup>2</sup>).

**Елена ЕРМОХИНА,**  
«Ногта» МЧЖнинг ҳуқуқий масалалар бўйича эксперт-маслаҳатчиси.

<sup>1</sup>ТИВ томонидан тасдиқланган, АВ томонидан 1997 йил 12 мартда 313-сон билан рўйхатдан ўтказилган.

<sup>2</sup>2011 йил 5 апрелда «Хорижий расмий ҳужжатларни легаллаштириш талабини бекор қилувчи конвенцияга (Гаага, 1961 йил 5 октябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида»ги Қонун (2011 йил 4 апрелдаги УРҚ-279-сон) кучга кирди. Унинг қабул қилиниши давлат ички таомили ҳисобланади ва Ўзбекистон учун ўз-ўзидан кучга киришини билдирмайди. Кучга кириш муддатлари тўғрисида «Апостилни 2012 йил мартдан қўямиз» мақоласида («Солиқ ва божхона хабарлари», 2011 йил 5 сентябрдаги 36 (892)-сон) батафсил ёзилган.

## ҚАЙТА ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИНМАЙДИ

**?** Мен II гуруҳ ногирониман. Пенсияга қандли диабет бўйича ногиронлик боис чиққанман. Ҳар йили ТМЭК комиссиясидан ўтаман. Поликлиникада инсулин оламан. 2007 йилдан бери пенсиядаман. II гуруҳни 2008 йилда олдим. Ногиронлик бўйича пенсия тўлиқ бўлмаган стаж (4 йилу 7 ой) бўйича ҳисобланган. Шу муносабат билан пенсия энг кам иш ҳақи миқдоридан озгина юқори (78 000 сўм). Мен ишлашда давом этяпман. Агар 5 йил ишлаб берсам, менинг пенсиям миқдори қайта кўриб чиқиладими?

– «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонун 17-моддасининг иккинчи қисмига кўра умумий касаллик туфайли бериладиган **ногиронлик пенсиялари ногиронлик бошланган пайтга қадар** куйидагича иш стажига эга бўлган тақдирда тайинланади:

Еш	Иш стажы (йилларда)
23 ёшга қадар	2
23 ёшдан 26 ёшга қадар	3
26 ёшдан 31 ёшга қадар	5
31 ёшдан 36 ёшга қадар	7
36 ёшдан 41 ёшга қадар	9
41 ёшдан 46 ёшга қадар	11
46 ёшдан 51 ёшга қадар	14
51 ёшдан 56 ёшга қадар	17
56 ёш ва ундан ошганда	20

Шу сабабли ногиронлик бўйича пенсия тайинланаётганда ногиронлик бошланган вақтда мавжуд бўлган стажига қабул қилинади. **Пенсия тайинлангандан кейинги иш стажы ва ҳақиқатдаги иш ҳақи ҳисобга олинган ҳолда пенсия миқдори қайта ҳисоб-китоб қилинмайди.**


Шу боис сизнинг пенсиянгиз меҳнат стажы кўпайган тақдирда ўзгармайди.

Бироқ пенсия ёшига етганда ногиронлик бўйича пенсиянгизни ёшга доир пенсияга ўтказишингиз



2010 йил 25 августда мен қурувчи-сотувчи ташкилот билан квартира олди-сотди шартномасини туздим. Мазкур шартнома бўйича ҳақ қурувчининг фойдасига 2010 йил 16 сентябрда тўланган имтиёзли ипотека кредити ҳисобига тўланди. Қурилиш-монтаж ишлари амалда тугалланиб, нуқсонлар бартараф этилганидан кейин квартира менга фақат 2011 йил 16 мартда (шартнома ТИБда рўйхатдан ўтказилганидан кейин 6 ой ўтгач) қабул қилиш-топшириш далолатномаси бўйича топширилди. Шу муносабат билан ушбу олти ой ичида ипотека кредитини сўндириб боришга тўғри келди, бу вақт ичида турар жойдан мақсадига кўра фойдалана олмадим. Мен қурувчига кредитни сўндиришга сарфланган суммани компенсациялаш талаби билан мурожаат қилдим. Бироқ қурувчи талабимни қондиришдан бош тортиб, кредитни сўндиришга мен йўналтирган сумма Фуқаролик кодекси 14-моддасининг иккинчи қисми маъносига кўра зарар бўлиб ҳисобланмайди деб ваз қўрсатди. Менга компенсация тўлашдан бош тортишлари тўғрими?

Л.Маннопов.



тиранинг олди-сотди шартномаси шартларига боғлиқдир. Айни унда квартирани топшириш тартиби ва муддати, шунингдек ушбу мажбуриятни бажармаганлик учун масъулият қайд этилиши керак. Агар топшириш муддати бузилган бўлса, сиз қурувчидан харажатларни компенсациялашни талаб қилишга ҳақли-

## КВАРТИРАДА ЯШАМАСЛИК МУМКИН, БИРОҚ КРЕДИТНИ УЗИШ ШАРТ

– Кредитни тўлаш Фуқаролик кодекси 14-моддасининг иккинчи қисми маъносига кўра зарар ҳисобланмаслиги бобида қурувчи ҳақли. Зеро кредитни тўлаш – сизга кредит берган банк ёки бошқа кредит ташкилоти олдидаги мустақил мажбуриятдир. Ҳатто агар квартирага кўчиб кирганингизда ҳам барибир ушбу вақт учун кредитни сўндириш мажбуриятини бажаришингиз керак бўларди.

Сиз олди-сотди шартномасини тузиб

ва унинг ҳақини тўлаб, қурувчининг айби билан ушбу квартирада яшай олмангиз – бошқа масала. Шартномани ТИБда рўйхатдан ўтказган пайтдан бошлаб сиз ушбу квартиранинг мулкдори ҳисобланасиз ва унга кўчиб киришга ҳақли бўлгансиз. Хатингиз маълумотларидан келиб чиқилса, квартира сизга шартнома ҳақи тўланиб, у рўйхатдан ўтказилгандан сўнг 6 ойдан кейингина топширилган. Қурувчи ҳуқуқларингизни бузган-бузмаганлиги квар-

сиз. Харажатлар компенсациясига яшаш билан боғлиқ харажатлар (сиз яшаган квартира ижарасига ҳақ тўлаш) ва маънавий зарар киритилиши мумкин. Харажатлар тасдиқланиши шарт (чеклар, ижара шартномаси, гувоҳлар ва ҳ.к.) Иштиёрий компенсациядан бош тортилган ҳолда сиз судга мурожаат қилишингиз мумкин. Ушбу ҳолда сиз барча суд чиқимларини, шу жумладан юридик ёрдамга харажатларни қоплашни талаб қилишингиз мумкин.

## ЗАРУРИЙ РАСМИЯТЧИЛИК

**?** Ҳозирги вақтда Тошкент шаҳрига бошқа тумандан келган Ўзбекистон фуқароларига паспортда вақтинча рўйхатга ўтказиш штампари урнига келиш тўғрисидаги манзил варақаси берилди. Шундай варақа билан ишга қабул қилиш мумкинми?

А.Бегжонов.

– Ҳа, мумкин. Мазкур ҳолда иш берувчи учун муҳим жиҳат фуқаронинг Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисидаги низомга<sup>1</sup> риоя этишидир, унга кўра мазкур фуқаро бошқа жойга келган пайтдан бошлаб 3 кун мобайнида вақтинча

рўйхатдан ўтиш учун ички ишлар органларига мурожаат қилиши керак. Агар илгари вақтинча рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги белги паспортга қўйилган бўлса, ҳозирда ички ишлар органининг муҳри қўйилган, ваколатли шахс имзолаган, рўйхатдан ўтказиш рақами ва вақтинча рўйхатдан ўтказишнинг амал қилиш санаси (бошланиши ва тугаши) қайд этилган келиш тўғрисидаги манзил варақаси берилди. Манзил варақасида юқорида кўрсатилган реквизитлар мавжуд бўлса – вақтинча рўйхатдан ўтказиш ҳақиқий деб ҳисобланади. Мазкур тартиб вақтинча бўлиб, яқин орада вақтинча рўйхатдан ўтказиш масалалари тартибга солинган ва унинг механизми белгиланган ҳужжатлар қабул қилинади.

<sup>1</sup>Президентнинг 1999 йил 26 февралдаги ПФ-2240-сон Фармонида 1-илова.

## Ижтимоий таъминот



Шаҳар касабаси уюшмаси кўмитасининг ходими пенсияга чиқяпти. Бироқ у ўз лавозимида қолади, чунки у сайлаб қўйиладиган лавозимдир. Ходим ЭКИХнинг 3 баравари миқдорида ҳақ олади. У пенсияни 100% миқдорида олиш ҳуқуқига эгами?

Г.Муҳамедова.

## САЙЛАНСА-ДА, СИЙЛАНМАЙДИ

– Йўқ. Ишловчи пенсионерларга пенсия тўлаш тартиби тўғрисидаги низом<sup>1</sup> меъёрларига кўра, у эгаллаган лавозим сайлаб қўйиладиган ёки сайлаб қўйилмайдиган бўлишдан қатъи назар, **исталган шаклда меҳнат ҳақи тарзида ҳар қандай даромад олишда пенсия ярмига қисқаради.** Бундан тўлиқ пенсияси сақланадиган ишловчи пенсионерларнинг куйидаги имтиёзли тоифасигина мустасно:

- Иккинчи жаҳон уруши ногиронлари, қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахслар<sup>2</sup>;
- Иккинчи жаҳон уруши йилларида ҳарбий хизматни ўтаган ёки фронт орқасида ишлаган шахслар;
- I ва II гуруҳ ногиронлари;
- Чернобыль ҳалокатидан зиён кўрган фуқаролар<sup>3</sup>;
- Фуқаролар йиғинлари ва маҳаллаларнинг раислари;
- Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия бўйича маслаҳатчи лавозимларида ишловчи пенсионер аёллар – ёшга доир пенсияни олганда.

<sup>1</sup>МВ, ИИВ, Мудофаа вазирлиги, ФВВ, МХХ ва ДБКнинг АВ томонидан 2011 йил 30 апрелда 2222-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган.


<sup>2</sup>Уруш қатнашчиларига тенглаштирилган шахслар доираси Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга (ВМнинг 2011 йил 8 сентябрдаги 252-сон қарорига 1-илова) 1-илова билан, уруш ногиронларига тенглаштирилган шахслар доираси эса ушбу ҳужжатга 2-илова билан тасдиқланган.

<sup>3</sup>Чернобыль ҳалокатидан зиён кўрган фуқаролар доираси Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 6 апрелдаги 170-сон қарорига иловада белгиланган.



Мария ТУХТАРОВА, «Ногта» МЧЖ юрисконсулти.

# КЎЧИБ КЕТГАНЛАРГА ПЕНСИЯ ҚАНДАЙ БЕРИЛАДИ



**Онам – пенсионер, вақтинча Россияга жўнаб кетди. Унинг учун пенсияни мен қандай қилиб олсам бўлади?**

Илдар.

– Ўзбекистондан вақтинча чиқиб кетган пенсионер пенсиясини олиш учун бошқа шахсга ишончнома берган ҳолда унга ваколат бериши мумкин. Бундай ҳуқуқ Фуқаролик кодексда, шунингдек Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг<sup>1</sup> (бундан кейин – Низом) 160-бандида назарда тутилган. **Ишончнома олувчининг яшаш жойида нотариал равишда тасдиқланиши керак.** Ишончли вакил пенсия тўлашга таъсир этиши мумкин бўлган, ўзига маълум барча ҳолатлар тўғрисида Пенсия жамғар-

маси бўлимига хабар бериши шарт. Бунда ишончнома берган пенсионер пенсия тўлайдиган Пенсия жамғармаси бўлимига бир йилда камида бир марта шахсан келиб, тайинланган пенсияга бўлган ўз ҳуқуқини тасдиқлаши керак. Пенсионер белгиланган муддатда Пенсия жамғармаси бўлимига шахсан келмаган тақдирда бўлим ходимлари ўн кун мобайнида:

унинг тирик эканлиги;  
ишга жойлашганлиги;  
яшаш жойи ўзгарганлиги ёки чет элга кетганлиги;  
жазони ўташ жойларида эканлиги;

кексалар ва ногиронларнинг интернат уйларида (пансионатларида) яшаш ҳолатлари аниқлаш учун пенсионер яшайдиган жойга борадилар.

Юқоридаги ҳолатлар тасдиқланган тақдирда пенсияни тўлаш фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тегишли органи вакиллари ва қўшнилар иштирокида Пенсия жамғармаси бўлими ходимлари томонидан тузилган тўланаётган пенсияни тўлашга ва унинг миқдори асосланганлигига таъсир кўрсатувчи ҳолатни тасдиқлайдиган далолатнома асосида тўхтаб турилади. Агар юқорида кўрсатилган ҳолатлар тасдиқланмаса, ишончнома бўйича пенсия тўланиши давом этиши мумкин.



**Олмазор туман ижтимоий таъминот бўлими май ва июнь ойлари учун пенсиянинг ярмини ушлаб қолди. Инспекторнинг айтишича, 10 йил ичида жамланган суммани ушлаб, чунки математик хато юз берган. Нима учун шундай бўлганлиги, қандай хато эканлигини тушунтириб беришни сўраганимда инспектор: «Уларга қараб биз хато қила олмайдиган ҳужжатларни олиб келинг», – деб жавоб берди. Мен бошқа ҳеч қандай тушунтиришларни ололмадим. Аини қандай хато юз берганлигини билиш ҳуқуқига эгаманми? Ижтимоий таъминот бўлими ходимлари пенсиядан ушлаб қолишлари тўғрисида мени олдиндан огоҳлантиришлари шарт эдимми?**

З.Каримова,  
пенсионер.

## ХАТО ҚИЛИШ ҲУҚУҚИ

– «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 65-моддасига кўра, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлимининг қарорлари асосида **ҳисоблаш ёки бошқа техник хато оқибатида ортиқча тўланган суммаларни ушлаб қолишга йўл қўйилади. Ойлик ушланмалар суммаси пенсиянинг 50%идан ошиши мумкин эмас.**

Пенсия ҳужжатларининг шакллари ва уларни тўлдириш қоидалари ҳамда пенсионерлар йиғмажилдини расмийлаштириш ва юритиш тартиби ҳақидаги йўриқномага<sup>1</sup> (бундан кейин – йўриқнома) мувофиқ пенсияни ҳисоб-китоб қилиш ва пенсиядан ушлаб қолишлар тўғрисида қарорларни Пенсия жамғармаси бўлимида ташкил этиладиган Пенсия ва ижтимоий нафақаларни тайинлаш комиссияси қабул қилади (Йўриқноманинг 31-банди). Йўриқноманинг 32-бандига кўра, Комиссиянинг қарорлари баённомалар билан расмийлаштирилади. Ортиқча тўланган суммалар қонун ҳужжатларига мувофиқ ўтказилган пенсия ишларини текширишлар натижасида ҳам аниқланиши мумкин. Пенсия тайинлаш ёки қайта ҳисоблаш учун тақдим этилган ҳужжатлар юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўтказиладиган текширишлар, текшириш ўтказилган сана кўрсатилган далолатнома билан расмийлаштирилади (Йўриқноманинг 27-банди).

Афсуски, юқорида кўрсатилган иккала ҳолда ҳужжатларда пенсионерларни пенсияларидан ушлаб қолишлар тўғрисида албатта хабардор қилиш ва ушлаб қолишнинг сабабларини тушунтириш тўғридан-тўғри таъкидланмаган. Масалан, нотўғри тайинланганлиги муносабати билан пенсия тўлаш бекор қилиниши тўғрисида пенсионерни маҳсус хабардор қилиш назарда тутилганидек, хабардор қилиш Комиссия ана шундай қарор қабул қилган кундан бошлаб 5 кун мобайнида амалга оширилиб, баённомадан кўчирма тақдим этилиши керак (Йўриқноманинг 48-банди).

Бироқ, «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонунга кўра ҳар бир фуқаро давлат органларига мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадир. Шунингдек «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»ги Қонун ҳар бир кишига бевосита ўзи ёки ўзининг қонуний вакиллари орқали ахборот олишга сўров билан мурожаат қилиш ҳуқуқини беради (5-модда). Сўровга (мурожаатга) жавоб сўров (мурожаат) олинган санадан бошлаб 30 кундан кечиктирмай берилиши керак. Шу тариқа, аини қандай математик хато сизга суммалар ортиқча тўланишига сабаб бўлганлигини ариза (сўров) берилган кундан бошлаб 1 ой мобайнида билишга ҳақлисиз. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 44-моддасига кўра, фуқарога унинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини бериши асоссиз равишда рад этиш мансабдор шахсларга **энг кам иш ҳақининг бир бараваридан икки бараваригача миқдорда** жарима солишга сабаб бўлади.

Кўпчилик пенсионерлар учун уларнинг пенсияси ягона даромаддир. Шу сабабли улар пенсия миқдорининг ўзгариши тўғрисида, ҳатто бу қонуний асосга эга бўлса-да, аиниқса пенсиялари ярмига қисқартирилганда, ўз вақтида хабардор қилинишга жуда муҳтож бўладилар. Шу муносабат билан қонун ҳужжатларига пенсионерларни пенсиядан келгусидаги ушлаб қолишлар ва бунинг сабаблари тўғрисида қисқа муддатларда албатта хабардор қилишни назарда тутилган ўзгартиришлар киритиш мақсадга мувофиқдир.

<sup>1</sup>Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг АВ томонидан 2007 йил 3 сентябрда 1710-сон билан рўйхатдан ўтказилган буйруғи билан тасдиқланган.

Мария ТУХТАРОВА, «Норма» МЧЖ юрисконсульти.



**Мен пенсионерман, бошқа давлатдаги доимий яшаш жойига кўчиб кетяпман. Менга пенсия тўланиши давом этадими? Қариндошимга пенсиямни олиш учун ишончнома қолдирсам бўладими? Пенсионер.**

– Низомнинг 171-бандига кўра, доимий яшаш учун Ўзбекистон Республикаси ташқарисига чиқиб кетилганда, **Ўзбекистонда тайинланган пенсияни тўлаш тўхтатилади.** Сизнинг бундан кейинги пенсия таъминоти тўғрисидаги пенсия турига ҳамда Ўзбекистон билан сиз кўчиб бораётган давлат ўртасида пенсия таъминоти тўғрисида халқаро шартнома тузилган ёки тузилмаганлигига боғлиқдир.

### I. ПЕНСИОНЕР ЎЗБЕКИСТОН У БИЛАН ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТЎҒРИСИДА ШАРТНОМА ТУЗМАГАН ДАВЛАТГА КЎЧИБ КЕТАПТИ

#### • Агар сиз Ўзбекистондаги рўйхатдан ҳали ўчмаган бўлсангиз

Жўнаб кетиш олдиндан сиз юқорида кўрсатилган тартибда пенсиянинг олишга ишончнома қолдиришингиз мумкин. Бироқ бунда ушбу ишончнома бўйича пенсия бир йилдан кўп бўлмаган вақтга тўланади. Агар ушбу йил мобайнида сиз рўйхатдан чиқсангиз ёки Пенсия жамғармаси бўлимига шахсан келмасангиз, Ўзбекистонда пенсия тўлаш тўхтатилади. Бунда ишончли вакил Пенсия жамғармаси бўлимига унга маълум бўлган, пенсия тўлашга таъсир кўрсатиши мумкин бўлган барча далиллар тўғрисида хабар қилиши шарт.

#### • Агар сиз Ўзбекистондаги рўйхатдан ўчган бўлсангиз

«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 64-моддасига ва Низомнинг 177-бандига мувофиқ доимий яшаш учун Ўзбекистон Республикаси ташқарисига кетишгача тайинланган пенсия Пенсия жамғармаси бўлимига кетиш тўғрисида ариза берилган кундаги пенсия миқдори ҳисоб-китобидан келиб чиқиб Ўзбекистон Республикаси ташқарисига жўнаб кетишдан **6 ой аввал** Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида тўланади.

Олти ой аввал пенсия пенсионер-

нинг шахсан мурожаатига асосан ва:

ариза;  
фуқаронинг шахсини тасдиқлайдиган Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспорти асосида, унда «Доимий яшаш жойидан рўйхатдан чиқарилди» деган белги ҳамда ички ишлар органлари кириш, чиқиш ва фуқаролик бўлимининг доимий яшаш учун кетиш тўғрисидаги стикери;

кетиш варақчаси, шунингдек у бориш ниятида бўлган хорижий давлатнинг визаси (агар бу зарур бўлса) бўлганда тўланади.

Пенсия тўлаш почта ўтказмаси билан ёки почта алоқаси ташкилоти орқали бир марталик ведомость асосида, шунингдек тижорат банкининг филиалида пенсионернинг номига очилган банк ҳисобрақамига нақд пулсиз ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Пенсионер мурожаат қилганидан ва юқорида кўрсатилган ҳужжатларни тақдим этганидан кейин ушбу пул маблағларини олиш учун бошқа шахсга **нотариал тасдиқланган ишончнома**ни қолдиришга ҳақлидир.

Агар шахс олти ой аввал пенсия тўлангандан кейин доимий яшаш учун Ўзбекистон Республикаси ташқарисига чиқиб кетмаган тақдирда, унга пенсия тўланган олти ойлик давр тамом бўлгандан кейин пенсияни навбатдаги тўлаш учун мурожаат қилган тақдирда олти ой аввал яна пенсия тўланиши мумкин. Бундан кейин пенсия тўлаш янги яшаш жойида фақат меҳнатда майибланиш ёки касб касаллигига чалиниш оқибатида ногиронлик пенсияси тайинланган шахсларгагина амалга оширилади. Қолган ҳолларда пенсия тўлаш тўхтатилади.

Агар сиз меҳнатда майибланиш ёки касб касаллигига чалиниш оқибатида ногиронлик пенсиясини олсангиз, янги яшаш жойига кўчиб келганда мустақил равишда пенсияни ўтказиш ёки қариндошингизга (ёки бошқа шахсга) ишончнома юбориш билан шуғулла-

на оласиз. Пенсияни ўтказиш учун Пенсия жамғармаси бўлимига куйидаги ҳужжатларни тақдим этишингиз лозим:

пенсияни ўтказиш тўғрисидаги ариза;

шахсининг Ўзбекистон Республикаси ташқарисига доимий яшаш жойини тасдиқлайдиган ҳужжат;

Ўзбекистон Республикасидан доимий яшаш жойига кетиш (бир давлатдан бошқа давлатга кўчиб ўтиш) санаси тўғрисидаги маълумотнома.

Пенсияни Ўзбекистон ташқарисига ўтказиш фуқаронинг ҳар бир йилнинг 31 декабрида тирик эканлигини тасдиқлайдиган ҳужжат бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ижро этувчи аппаратида тақдим этилиши билан амалга оширилади (Низомнинг 186-банди). Бундай ҳужжат Ўзбекистоннинг хориждаги дипломатик ваколатхонаси ёки консуллик муассасаси ёхуд хорижий давлатнинг ваколатли органи (мансабдор шахси) томонидан берилади.

Юқорида кўрсатилган барча ҳужжатлар тақдим этилгандан сўнг пенсия пенсионер доимий яшайдиган хорижий давлатнинг банкидаги ёки бошқа молия-кредит муассасасидаги ҳисобрақамига ўтказиш хорижий валютада амалга оширилади, агар халқаро шартномада ўзгача ҳол назарда тутилмаган бўлса.

Пенсияни ўтказиш хорижга жўнаб кетишдан олдин пенсия тўланган ойдан кейинги ойдан бошлаб амалга оширилади.

### II. ПЕНСИОНЕР ЎЗБЕКИСТОН У БИЛАН ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТЎҒРИСИДА ШАРТНОМА ТУЗГАН ДАВЛАТГА КЎЧИБ КЕТАПТИ

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон куйидаги давлатлар билан пенсия таъминоти тўғрисида халқаро битимлар тузган:

Грузия<sup>2</sup>;  
Озарбайжон Республикаси<sup>3</sup>;  
Молдова Республикаси<sup>4</sup>;  
Арманистон Республикаси<sup>5</sup>;  
Белорусь Республикаси<sup>6</sup>;  
Қозоғистон Республикаси<sup>5</sup>;  
Қирғизистон Республикаси<sup>6</sup>;  
Россия Федерацияси<sup>5</sup>;  
Тожикистон Республикаси<sup>5</sup>;  
Туркменистон<sup>5</sup>;  
Украина<sup>5</sup>.

Агар фуқаро юқорида кўрсатилган давлатлардаги доимий яшаш жойига кўчиб кетса, Ўзбекистондан рўйхатдан ўчган пайтидан бошлаб унга пенсия тўлаш тўхтатилади. Пенсия иши пенсионерга берилади (Низомнинг 197-банди). У билан пенсионер пенсия тайинлашлари ва тўлашлари учун янги яшаш жойидаги тегишли органларга мурожаат қилиши керак.

<sup>1</sup>ВМнинг 2011 йил 8 сентябрдаги 252-сон қарорига 1-илова.

<sup>2</sup>Грузия ҳукумати ва Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ўртасида фуқароларнинг пенсия таъминоти соҳасидаги ҳуқуқларини кафолатлаш тўғрисидаги Битим (Тбилиси, 1996 йил 28 май). ВМнинг 1996 йил 3 июлдаги 232-сон қарори билан тасдиқланган.

<sup>3</sup>Ўзбекистон ҳукумати билан Озарбайжон Республикаси ҳукумати ўртасида фуқароларнинг пенсия таъминоти соҳасидаги ҳуқуқларини кафолатлаш тўғрисидаги Битим (Боку, 1996 йил 27 май). ВМнинг 1996 йил 3 июлдаги 232-сон қарори билан тасдиқланган.

<sup>4</sup>Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Молдова Республикаси ҳукумати ўртасида фуқароларнинг пенсия таъминоти соҳасидаги ҳуқуқларини кафолатлаш тўғрисидаги Битим (Кишинэу, 1995 йил 30 март).

<sup>5</sup>Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги иштирокчи давлатлари фуқароларининг пенсия таъминоти соҳасидаги ҳуқуқларини кафолатлаш тўғрисидаги Битим (Москва, 1992 йил 13 март).

## «ЎРИНДОШЛИК БЎЙИЧА» ДИРЕКТОР



1. Бир вақтнинг ўзида хусусий дорихонага мудир ва ўз хусусий дорихонамга раҳбар бўлишим мумкинми?  
2. Таътил пулини ҳисоблаб ёзаётганда ишланган даврлар учун олинган мукофотлар ҳисобга олинадими?

А.Худойназарова.  
Нукус шаҳри.

– 1. Мехнат кодекси (1996 йилдан амалга киритилган) раҳбар лавозимларни бирга олиб боришни чеклашларни назарда тутмайди. Бироқ бундай чеклаш ўриндошлик бўйича ишлаш шартлари тўғрисида низомнинг<sup>1</sup> (1989 йил) 10-бандида назарда тутилган, унга кўра бир вақтнинг ўзида икки раҳбар лавозимни (мастерлар лавозимларидан ташқари) эгаллашга, агар қонун ҳужжатларида бошқа қоида назарда тутилмаган бўлса, йўл қўйилмайди. Ҳозирги вақтда бу хусусда юристларнинг фикрлари иккига бўлинган: баъзилар ушбу чеклаш амал қиляпти ва қўлланиши керак деб ҳисоблайдилар, бошқаларнинг фикрига кўра – уни қўллаш мумкин эмас, чунки у бевосита Мехнат кодексига назарда тутилмаган ва, бинобарин, унга зиддир.

Бизнинг фикримизча, тарафларнинг манфаатлари устун туриши керак: агар ходим икки раҳбар лавозимда ишлай олса, иш берувчи эса бунга рози бўлса, ҳеч ким меҳнат муносабатларини расмийлаштиришга тўсқинлик қилмаслиги керак. Шу муносабат билан қонун ҳужжатларига ушбу масала турлича талқин қилинишини бартараф этадиган ўзгартишлар киритиш зарур.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, қонун ҳужжатларида раҳбар лавозимларни бирга олиб борганлик учун жавобгарлик назарда тутилмаган.

2. Ўртача ойлик иш ҳақини ҳисоблаб чиқариш тартибининг<sup>2</sup> 1-бандига кўра, таътил пулини тўлаш учун ўртача ойлик иш ҳақини ҳисоблаётганда ижтимоий сугурта бўйича бадаллар ҳисоблаб ёзиладиган барча тўловлар ҳисобга олинади. Солиқ кодексининг (СК) 307-моддасига мувофиқ ижтимоий сугуртага ажратмалар объекти бўлиб меҳнат ҳақи тарзидаги даромадлар ҳисобланади, улар сирасига мукофотлар ҳам киради (СКнинг 172, 173, 174, 175-моддалари). Тегишинча, улар таътил пули ҳисоб-китобида ҳисобга олинаши керак.

Мария ТУХТАРОВА,  
«Норма» МЧЖ юрисконсульти.

<sup>1</sup>ССРИ Давмеҳнатқўм, Адлия вазирлиги ва ВЦСПС Котибиятининг 1989 йил 9 мартдаги 81/604-К-3/6-84-сон қарори билан тасдиқланган.

<sup>2</sup>ВМнинг 1997 йил 11 мартдаги 133-сон қарори (6-илова) билан тасдиқланган.

## ЙЎҚОТИШНИНГ ЎРНИНИ ТЎЛДИРСА БЎЛАДИ



Қонун ҳужжатларида меҳнат дафтарчасини йўқотганлиги учун иш берувчининг жавобгарлиги тўғрисида ҳеч нарса дейилмаган. Менин меҳнат дафтарчамни иш берувчи йўқотди, кейин эса гўё мен уни топширмаганлигимни ваҳ қилиб кўрсатди. Аввалги иш жойларидан ёзувлар қайд этилган меҳнат дафтарчам ўрнига фақат охириги иш жойи ёзилган дубликат беришди. Ҳеч ким ҳеч нарса учун жавобгар ҳам бўлмайди... Менга: «Қандай қилиб ва нимани тиклаш сизнинг муаммоингиз» дейишди. Бунинг устига илгари мен ишлаган корхона бошқа шаҳарда бўлишидан ташқари, ҳозир умуман мавжуд эмаслигини биламан. Бунинг учун ким жавоб беради? Менга етказилган зарар қанча туради?

Корхона ходими.

– Мехнат кодекси (бундан кейин – МК) ва Мехнат дафтарчаларини юритиш тартиби тўғрисида йўриқномага<sup>1</sup> (бундан кейин – Йўриқнома) мувофиқ меҳнат дафтарчаларини юритиш ва сақлаш учун иш берувчи жавобгардир. МКнинг 81-моддасига кўра, иш берувчи корхонада беш кундан ортиқ ишлаган барча ходимларга меҳнат дафтарчасини тутиши шарт, ўриндошлик асосида ишловчилар бундан мустасно.

Мехнат дафтарчаси йўқотиб қўйилган тақдирда, шунингдек фойдаланиш учун яроқсиз бўлиб қолган (йиртилган, ёнган, ёзувлари бўялган) ҳолларда меҳнат дафтарчасининг дубликати ходимнинг охириги иш жойида берилади (Йўриқноманинг 4.1-банди). Унинг биринчи саҳифасининг юқоридаги ўнг бурчагида «Дубликат» деб ёзиб қўйилади (Йўриқноманинг 4.2-банди).

Мехнат дафтарчасининг дубликати умумий қоидалар бўйича тўлдирилади.

Оддий вариантни, афсуски, кўрсатиб бериш мумкин эмас. Агар меҳнат дафтарчаси йўқолган ва бунда ходим аввалги иши дафтарчада қайд этилишини хоҳласа, фақат бир иложи бор. Иш даври, лавозим номи, иш жойи (таркибий бўлимини кўрсатган ҳолда) кўрсатиладиган ҳужжат олиш

<sup>1</sup>Мехнат вазирлиги ва Ижтимоий таъминот вазирлиги томонидан тасдиқланган, АВ томонидан 1998 йил 29 январда 402-сон билан рўйхатдан ўтказилган.

## ЖАДВАЛГА ҚАРАБ ДАМ ОЛАМИЗ



Ўзбекистон Мехнат кодексига қараб таътиллار жадвалини тузиш шартми? Агар шарт бўлса, бунинг учун бирор-бир бирхиллаштирилган шакл мавжудми, уни қаердан топиш мумкин?

Хурмат билан Эльмира.



Эълон

«Республика мулк маркази» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидан ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 26.05.2011 йилдаги 153-сонли қарорига мувофиқ «Микрокредитбанк» ОАТБ Бошқарувининг 31.05.2011 йилдаги 47-1-сонли қарорига ва «Микрокредитбанк» Тошкент вилояти филиалининг 05.07.2011 йилдаги 41-сонли асосан Тошкент шаҳри, Фарҳод кўчаси, 3-уй манзилида сақланаётган «Нексия» русумли, 2002 йил и/ч, д/р 10 775 НАА бўлган автотранспорт воситаси қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси – 7 160 000 сўм.**

**Аукцион савдоси 2011 йил 10 ноябрь куни соат 10.00 да бўлиб ўтади.**

Талабгорлар диққатига! Юқоридаги автотранспорт воситаси 2011 йил 10 ноябрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, автотранспорт воситасининг такрорий аукцион савдоси 2011 йил 17 ва 24 ноябрь кунлари соат 10.00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир соат қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закат пулини РКМБнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон Ф-даги куйидаги ҳисобрақамига тўлашлари шарт: х/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850. Манзил: Тошкент ш., Олмазор т., 1-Қорақамиш кўчаси, 1А-уй. Телефон: 228-79-52. [www.rkmb.uz](http://www.rkmb.uz).

## АТТЕСТАЦИЯДАН ЎТМАДИ. ИШДАН БЎШАТИШ КЕРАКМИ?



Ташкилот биринчи бор бўлим ходимларини аттестациядан ўтказмоқчи. Агар ходим эгаллаган лавозимига мувофиқ келмаса, у билан меҳнат шартномасини бекор қилиш тартиби, муддатлари ва асослари қандай?

МЧЖ раҳбарияти.

– Ходимнинг эгаллаган лавозими ёки бажараётган ишига, аттестация натижалари билан тасдиқланганидек, етарли малакага эга эмаслиги туфайли номувофиқлиги МК 100-моддаси иккинчи қисмининг 2-бандида назарда тутилган, иш берувчининг ташаббуси бўйича меҳнат шартномасини бекор қилиш учун мустақил асос бўлиб ҳисобланади.

Ходим билан меҳнат муносабатларини айтилган асосга кўра бекор қилиш учун махсус таомил – аттестация ўтказиш талаб қилинади. Уни ўтказиш учун ташкилотда Аттестация тўғрисида низом қабул қилиниши керак ва унда ходимларнинг қандай тоифалари, қандай даврийлик ва қандай шаклларда эгаллаган лавозимига мувофиқлиги борасида аттестациядан ўтказилиши белгиланади.

Бунда ҳар бир ходим Низом билан, агар у мавжуд бўлса, ёки ишга қабул қилиш чоғида таништирилиши керак (МКнинг 77-87-моддалари).

Намуна сифатида ташкилот Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Соғлиқни сақлаш тизими раҳбар ходимларини аттестациядан ўтказиш комиссияси тўғрисидаги низом (ВМнинг 2007 йил 25 октябрдаги 227-сон қарори билан тасдиқланган) ҳамда Раҳбар ва педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш ва уларга малака тоифалари бериш тартиби тўғрисида низомдан (АВ томонидан 2006 йил 18 январда 1540-сон билан рўйхатдан ўтказилган) фойдаланиши мумкин.

Аттестация жараёнида ходимнинг касбий ҳислатлари, эгаллаган лавозимига мувофиқлиги, зарур билимлар ва маҳоратга эгаллиги тўғрисида ҳулосалар чиқарилиши боис, ташкилотда раҳбар томонидан тасдиқланган ва ходим имзолаган, аниқ ходим жавоб бериши керак бўлган талаблар

# ТАЪТИЛНИНГ ТАЪТИЛДАН ФАРҚИ БОР

**Ташкилотимиз бизнинг хизматларимизга талабнинг камайганлиги боис ходимларни ҳақ тўланмайдиган таътилга чиқаришга мажбур бўлди. Шунингдек баъзи ходимлар тегишли ҳақ билан ярим иш кунда ишлаш режимига ўтказилди. Бундай ҳолларда навбатдаги меҳнат таътиллари қандай расмийлаштирилади ва уларга ҳақ қандай тўланади?**

**И.Лебедева,  
бош бухгалтер.**

## 1. Ходимларни иш ҳақи сақланмайдиган таътилга чиқариш масаласи бўйича.

Қонун ҳужжатлари ходимларни иш берувчининг ташаббуси билан иш ҳақи сақланмайдиган таътилга (яъни «мажбурий» таътилга) чиқариш имкониятини назарда тутмайди.

Бундай қилмаслик керак, чунки бундай ҳоллар аниқланганда иш берувчилар ариза ёзишга мажбур этганлик ва ходимларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқини қўпол равишда камситганлик учун жавобгарликка тортилади (меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 49-моддаси бўйича энг кам иш ҳақининг 2 бараваридан 5 бараваригача миқдорда жарима қўлланиши мумкин).

Чиқарилган буйруқлар ушбу асосларга кўра бекор қилинади ва ходимларга мажбурий тартибда мажбурий ишга чиқмаган вақти учун ўртача ойлик иш ҳақи миқдоридан ҳақ тўланади (МКнинг 159-моддаси).

Бинобарин, **иш ҳақи сақланмайдиган таътил берилиши тўғрисида аризани ходим мажбурлашлари сабабли эмас, балки ўзининг ташаббуси билан бериши керак** (МКнинг 150-моддаси).

Бунда ходимни таътил беришлари тўғрисида илтимосига сабаб бўлган ҳол узрли ҳисобланиши масаласини иш берувчи ҳал қилади. Унинг ўзи ишлаб чиқариш манфаатларини ҳисобга олиб, ходим кўрсатган вақтда таътил бериш имконини ҳамда унинг қанча давом этишини белгилайди.

**Барча ҳолларда иш ҳақи сақланмай-**

**диган таътил бериш**, унинг мақсади ва қанча вақт давом этишидан қатъи назар, таътил тўғрисидаги **буйруқ** (фармойиш) билан расмийлаштирилиши керак.

## 2. Иш вақтининг муддатини қисқартириш масаласи бўйича.

Иш вақтининг қанча давом этиши, меҳнат ҳақи миқдори у амалга ошириладиган меҳнат шартлари жамлигида тушунилади (МКнинг 88-моддаси).


Иш берувчи ходимнинг розилигисиз меҳнат шартларини ўзгартиришга фақат технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ишлар (махсулот, хизматлар) ҳажмининг қисқарганлиги, башарти бундай ўзгаришлар ходимлар сони ёки ишлар хусусиятининг ўзгаришига олиб келиши олдиндан аниқ бўлган ҳоллардагина ҳақлидир.

Иш берувчи меҳнат шартларидаги бўлажак ўзгаришлар ҳақида ходимни камида икки ой олдин ёзма равишда огоҳлантириб, тилхат олиши шарт. Роза бўлган тақдирда ходим огоҳлантириш муддатининг тугашини кутмай, янги меҳнат шартларида ишлашга киришиши мумкин.

Агар ходим ишни давом эттиришдан бош тортса, у билан меҳнат шартномаси ўртача ойлик иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда ишдан бўшатиш нафақасини тўлаган ҳолда бекор қилиниши мумкин.

Кўпчилик ходимлар гуруҳи учун меҳнат шартлари ноқулай тарзда ўзгарган тақдирда, иш берувчи маҳаллий меҳнат органига бундай ўзгартиришларнинг сабаби ҳақида маълумот бериши шарт (МКнинг 89-моддаси).

## 3. Ушбу ҳолларда навбатдаги меҳнат



## таътилларига ҳақ тўлаш масаласи бўйича.

**Тўлиқсиз иш вақти шarti билан ишлаш ходимнинг йиллик асосий меҳнат таътилининг муддатини, меҳнат стажини ҳисоблашни ҳамда бошқа меҳнат ҳуқуқларини бирон-бир тарзда чеклашга асос бўлмайди ва ишланган вақтга ёки ишлаб чиқарилган маҳсулотга мутаносиб равишда ҳақ тўланади** (МК 119-моддасининг учинчи қисми).

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, йиллик асосий ҳақ тўланадиган таътил олиш ҳуқуқини берадиган иш стажини ҳисоблаб чиқариш чоғида, **башарти** бундай **таътилни** давом этиши **2 ҳафтадан ошса**, ундан **иш ҳақи сақланмайдиган таътил вақти давлари чиқариб ташланади** (МКнинг 142-моддаси).

Бунда агар бирор-бир давр ходимга йиллик асосий ҳақ тўланадиган таътил олишга ҳуқуқ берадиган стажга киритилмаса, таътил бериладиган иш йили таътил учун стаждан чиқариб ташланадиган кунлар сонига «сурилади», чунки унга МКнинг 142-моддасига мувофиқ иш йили мобайнида амалда ишланган вақт ва бошқа даврлар киритилади.

**МИСОЛ.** Иш йили 12 тўлиқ ойни ташкил қилади ва, календарь йилдан фарқ қилиб,

1 январдан эмас, балки ходим муайян иш берувчига ишга кирган кундан бошлаб ҳисобланади. Агар ходим 2011 йил 16 майда ишга тушган бўлса, унинг дастлабки иш йили 2012 йил 15 майда тугайди. Ходимга ушбу даврда 2 ойга иш ҳақи сақланмайдиган таътил берилганида иш йили 2 ойга сурилади: 2011 йил 16 майдан 2012 йил 15 июлгача. Иккинчи иш йили – 2012 йил 16 июлдан 2013 йил 15 июлгача бўлган давр ва ҳоказо.

Меҳнат кодексига кўра (4, 37, 73-моддалар ва бошқалар), ходимларга ташкилотнинг ўз маблағлари ҳисобидан қонун ҳужжатлари билан таққослаганда қўшимча меҳнат ҳуқуқлари ва кафолатлари берилиши мумкин. Шу муносабат билан жамоа шартномасида, корхонанинг бошқа локал ҳужжатида ёки меҳнат шартномасида ходимларга йиллик асосий иш ҳақи тўланадиган таътил олиш ҳуқуқини берувчи иш стажига қўшимча даврлар киритилиши мумкин. Масалан, МК 142-моддасининг иккинчи қисмида белгиланганига нисбатан иш ҳақи сақланмаган ҳолда бериладиган муддати икки ҳафтадан кўп бўлган таътил вақтини ҳам йиллик асосий таътилни олиш ҳуқуқини берадиган меҳнат стажига қўшиш назарда тутилиши мумкин.

рўйхатини мустаҳкамлайдиган лавозим йўриқномалари бўлиши мақбулдир.

Аттестациядан ўтказиш таомили қуйидаги босқичларда бажарилиши мумкин:

аттестациядан ўтказиш тўғрисида буйруқ чиқариш; аттестация комиссияни шакллантириш. Аттестация комиссиясининг таркибига четдан жалб этилган, ходимда аттестация натижалари хусусида баҳслашиш имкониятлари кам бўлиши учун иложи борича холис бўладиган мутахассисларни киритиш тавсия қилинади. Агар ташкилотда ходимларнинг манфаатларини ҳимоя қиладиган орган бўлса, аттестация комиссияси таркибига ушбу органнинг вакили кириши керак (МКнинг 24-моддаси);

аттестация жадвалини тузиш, аттестация ўтказиш учун саволлар, зарур материалларни тайёрлаш; аттестациядан ўтказиш;

эгаллаган лавозимига мувофиқлиги (нормувофиқлиги) тўғрисидаги қарорни қабул қилиш ва расмийлаштириш. Фикримизча, аттестация комиссиясининг ходим эгаллаган лавозимига нормувофиқлиги тўғрисида унинг билимларини оғзақи ёки ёзма тест синови шаклида текшириш натижаларига асосланган қарори ходим иш даврида ўзининг мажбуриятларини уддалай олмаганлигидан далолат берувчи ҳужжатлар (маъруза ёзувлари, далолатномалар ва ҳоказо) билан тасдиқланган бўлиши мақсадга мувофиқдир. Ходим бундай қарор устидан суд тартибда шикоят қилган тақдирда аттестация комиссиясининг ходимнинг амалий хис-

латлари тўғрисидаги хулосалари ишга доир бошқа далиллар билан жамлиқда баҳоланади (Олий суд Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги «Судлар томонидан меҳнат шартномаси (контракти)ни бекор қилишни тартибга солувчи қонунларнинг қўлланиши ҳақида» 12-сон қарори 28-банди); ходимни аттестация яқунлари билан тилхат олиб таништириш;

аттестация яқунларини акс эттирадиган буйруқ чиқариш. Шу тариқа, **аттестация комиссиясининг мазкур ходимнинг малакаси етарли эмаслиги тўғрисидаги хулосалари акс эттириладиган хулосаси олингандан кейингина иш берувчи ходим билан меҳнат шартномасини МК 100-моддаси иккинчи қисмининг 2-банди бўйича бекор қилишга ҳақли бўлади.**

Бироқ олдиндан иш берувчи ходимга ихтисослиги бўйича камроқ малака талаб этадиган ишни, у мавжуд бўлмаганда эса – корхонада мавжуд бўлган, ходим бажара оладиган бошқа ишни тақлиф қилиши шарт (МКнинг 92-моддаси).

Бинобарин, ходим билан меҳнат муносабатларини у бошқа ишга ўтказишдан бош тортганидан кейин бекор қилиш мумкин. Амалиётда ходим тақлиф қилинган бўш лавозимдан (ишдан) бош тортганлигини ёзма равишда баён этишни хоҳламайдиган вазият юзага келиши мумкин. Ташкилотнинг бир нечта ходимидан иборат бўлган комиссия тузган, ходимнинг тақлиф қилинган ишдан бош тортганлиги тўғрисидаги далолатнома, агар ходим ушбу ҳолатни судда инкор этса, фикримизча, ходимга ташкилотда мавжуд бўлган лавозим (иш) тақлиф қилинганлиги далил-исботи бўлиши мумкин.

Шу сабабли қонун ҳужжатлари иш берувчини ёзма равишда (тилхат олиб) ходимни у билан меҳнат шартномасини бекор қилиш нияти тўғрисида, малакаси етарли эмаслиги оқибатида ходимнинг бажарилаётган ишга нормувофиқлиги муносабати билан меҳнат шартномаси бекор қилинишидан камида 2 ҳафта олдин огоҳлантиришга мажбур этади.

Агар иш берувчида тўғри келадиган бўш лавозимлар йўқ бўлса, буни ходимга тилхат олиб топшириш чоғида ёзма огоҳлантиришда кўрсатишни тавсия қиламиз. Шундан кейин ходим билан меҳнат муносабатларини МК 100-моддаси иккинчи қисмининг 2-бандига асослашиб бекор қилиш мумкин. Қолган ҳолларда ходимга нисбатан Меҳнат кодексининг

25, 101, 246-моддалари билан белгиланган меҳнат шартномасини бекор қилишнинг умумий тартиби қўлланади.

Барча ҳолларда меҳнат шартномасини бекор қилиш кунни бўлиб ишнинг охири кунни ҳисобланади.

Ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилиш иш берувчининг буйруғи (фармойиши) билан расмийлаштирилади (МКнинг 107-моддаси). Ходим у билан тилхат бериб танишиши керак. Кўрсатилган буйруқни ходимнинг эътиборига етказиш мумкин бўлмаган ёки ходим у билан тилхат бериб танишишдан бош тортган ҳолларда буйруққа тегишли ёзув қайд этилади.

Меҳнат шартномаси бекор қилинган кун иш берувчи ходимга унинг меҳнат дафтarchасини ва меҳнат шартномасининг бекор қилиниши ҳақидаги буйруқнинг нусхасини бериши (МКнинг 108-моддаси) ва камида ўртача ойлик иш ҳақи миқдоридан ишдан бўшатиш нафақаси (МКнинг 109-моддаси), ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишув бўйича огоҳлантириш муддати (2 ҳафтадан кам бўлмаган муддатда) ўрнига пул компенсацияси (МК 102-моддасининг иккинчи қисми), фойдаланилмаган барча йиллик асосий ва қўшимча таътиллари учун компенсация (МКнинг 151-моддаси) ҳамда меҳнат шартномаси бекор қилинган кунда иш ҳақини (МКнинг 110-моддаси) тўлаши шарт. Унга, МКнинг 67-моддасига кўра, ишга жойлашиш даврида моддий қўллаб-қувватлашнинг қўшимча кафолатлари ҳам берилади.

Агар меҳнат шартномасини бекор қилиш кунда ходимнинг йўқлиги (олишдан бош тортиши) муносабати билан меҳнат дафтarchасини бериш мумкин бўлмаса, иш берувчи унга меҳнат дафтarchасини олиш учун келиши зарурлиги ёки уни почта орқали жўнатишга розилик бериши тўғрисида хабарнома юбориши шарт.

Хабарнома жўнатишдан кундан бошлаб иш берувчи меҳнат дафтarchасини беришни кечиктирганлик учун жавобгарликдан озод этилади (МКнинг 275-моддаси).

МКнинг 81-моддасига мувофиқ меҳнат шартномасини бекор қилиш асослари (сабаблари) меҳнат дафтarchасига ёзилмайди. Мазкур ҳолда: «Меҳнат шартномаси бекор қилинган» деб ёзилади.

Бироқ меҳнат шартномасини бекор қилиш асослари МК 100-моддаси иккинчи қисмининг 2-бандига аниқ мувофиқликда иш берувчининг буйруғида кўрсатилиши керак.

## Реклама

**NORMA** ЭКСПЕРТ МАЪЛУМОТНОМА ТИЗИМИ

### ИШ БЕРУВЧИГА ҚЎЛЛАНМА

Харид қилиш масалалари бўйича қуйидагиларга мурожаат қилинг:

Тошкент ш., М.Улугбек тумани, Ҳ.Олимжон майд., 10А-уй.  
Тел.: (998 71) 237-07-78, тел./факс: (998 71) 237-45-29.  
E-mail: info@norma.uz, web: www.norma.uz

**КАРТОН**  
ЭКОЛОГИК ТОЗА МАХСУЛОТ (СТОПЛАЙНЕР - 100% ЦЕЛЮЛОЗА), (КРАФТЛАЙНЕР).

**ҚОҒОЗ** Тел. 565-54-00.  
ФАКС 271-23-12.

Буюртмага  
Жура КАТТА  
АССОРТИМЕНТА!!!

ОҚАТИРИЛГАН (Финляндияда ишл. чик.)  
Турли ўлчам ва зичликда

ОҚАТИРИЛГАН (Жанубий Кореяда ишл. чик.)  
Турли ўлчам ва зичликда

“СНЕГУРОЧКА” ОФИС ҚОҒОЗИ

Арзон нархларимиз ҳаммабон!!!

ОФСЕТ ҚОҒОЗИ (Россияда ишл. чик.)  
ГАЗЕТА ҚОҒОЗИ, ғоятда оппоқ  
(Сективкарда ишл. чик., Коми Республикаси)  
ва кўплаб бошқа махсулотлар

G 194412 01 15.04.2010

**«AMIR-AUDIT» МЧЖ**  
аудиторлик ташкилоти  
28.03.2008 йилдаги 00642-сон лицензия  
УзР АВнинг 12.01.2005 йилдаги 991-сон гувоҳномаси

Ўзбекистоннинг бутун  
худудида барча хўжалик юритувчи  
субъектларда аудиторлик  
текширувларини амалга оширади

**Бухгалтерия ҳисоботи  
ва баланс тузиш**

САР ва СІРА сертификатларига эга  
бўлган аудиторлар ишга таклиф этилади

Тел. (+99897) 409-04-23, 296-55-78 факс (8371) 296-52-15

“Интеграл стар” ХК таклиф қилади

**“ЕҒОЧ-ТАХТА МАТЕРИАЛЛАРИ**

ассортиментда

Хизматлар лицензияланган

Тўлов - исталган шаклда

Тел. 303-16-46, факс 274-66-77

**ЭЪЛОНЛАР**

**ИШ**  
Зудлик билан доимий ишга дек-  
ларантлар талаб қилинади (Ўз иш  
ҳажмлари билан бўлгани маъкул).  
Тел.: 109-26-11, 128-25-08.

**АУДИТОРЛИК ХИЗМАТЛАРИ**  
Аудит. Бухгалтерия хизматлари\*.  
Тел.: 570-18-64.

Аудиторлик, бухгалтерия хизмат-  
лари\*. Тел.: 370-63-06, 263-77-29.

**ЮРИДИК ХИЗМАТЛАР**  
Кўчмас мулк бўйича юрист мас-  
лаҳатлари. Кадастр\*.  
Тел. 448-74-69.

«ADVOKAT ELITE». Судларда ва-  
киллик қилиш. Корхоналар, вако-  
латхоналарни рўйхатдан ўтказиш,  
қайта ташкил этиш, тугатиш ва улар-

га юридик хизмат кўрсатиш\*.  
Тел.: 281-52-39, 448-74-69.

**БУХГАЛТЕРИЯ ХИЗМАТЛАРИ**  
Бухгалтерия ҳисобини тиклаш.  
Текширувга тайёргарлик.  
Тел.: (+99890) 319-62-37.

Ҳисобот даври яқинлашмоқда!  
Ҳисоботларни тайёрлаш. Тўғри ту-  
зиш. Мақбул муддатлар.  
Тел. (+99890) 319-62-37.

**БАҲОЛАШ ХИЗМАТЛАРИ**  
Баҳолаш ва бизнес-режалар\*.  
Тел. 430-56-00.

**ХИЗМАТЛАР**  
Сервис маркази. Epson, HP, Canon  
рангли струяли принтерларни таъ-  
мирлаш ва тўлдириш, жойига чиқиш  
билан.  
Тел. 903-73-93.

Божхона юк декларацияларини тўлди-  
риш ва расмийлаштириш хизматлари. ТИФ  
бўйича маслаҳатлар.  
Тел.: 109-26-11, 127-31-08.

Ташкилотлар учун компьютер ва ма-  
иший техникани ҳисобдан чиқариш учун  
ҳужжатларни тайёрлаш.  
Тел.: 233-74-95,  
233-17-56, 236-76-46.

Сервис маркази: компьютерлар, прин-  
терлар, мониторлар – таъмирлаш, тўлди-  
риш. Жойига чиқиш билан.  
Тел. 903-73-93.

Қурилиш-таъмирлаш ва пардозлаш  
ишлари. Тел.: 244-86-80, 244-86-79.

Сметаларни жорий нархларда тузиш.  
Турар жой ва жамоат биноларини лой-  
иҳалаштириш\*.  
Тел.: 244-86-80, 244-86-79.

**\*Хизматлар лицензияланган.**

**\*Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2011 йил 5 сентябрдаги қарорларига асосан**

**Сергели туманидаги тугатилаётган корхоналар**

**РЎЙХАТИ**

Корхона номи	Реестр рақами ва санаси	Қарор рақами
"OLTIN NIYAT QURILISH" МЧЖ	000511-06 20.04.2005	10-1116/13412-т
"AVAZ SAVDO LIDER" ХК	000741-06 24.06.2011	10-1116/13422-т
"MATIZ TAKSI AVTO" МЧЖ	002720-06 27.08.2010	10-1116/13413-т
"HONEST QUALITATIVE SERVICE" МЧЖ	002302-06 13.11.2009	10-1116/13420-т
"SITARAHON-SEVARAHON" МЧЖ	002623-06 03.06.2010	10-1116/13414-т
"ARSSONIC USMULT" МЧЖ	002446-06 03.02.2010	10-1116/13415-т
"MEGA KOM" МЧЖ	06-456 07.02.2003	10-1116/13423-т
"ANELIYA" МЧЖ	002577-06 26.04.2010	10-1116/13425-т
"ANVAR PODSHIPNIK SERVIS" МЧЖ	002436-06 29.01.2010	10-1116/13416-т
"EXPRESS VUT MASTER GROUP" МЧЖ	002391-06 18.01.2010	10-1116/13417-т
"AVE AZIA KOLOR" МЧЖ	002354-06 25.12.2009	10-1116/13418-т
"GOLDEN RARA" МЧЖ	002341-06 18.12.2009	10-1116/13419-т
"START NEMO" МЧЖ	001694-06 12.06.2008	10-1116/13421-т
"ILIAN" МЧЖ	06-000608 07.04.2006	10-1116/13424-т

Мазкур корхоналарнинг муҳр ва штамплари ҳамда бирламчи ҳужжатлари, гувоҳномалари бекор қилинади.

**www.pc.uz** - Ўзбекистон компьютер бозоридаги талаб ва таклиф

**УЙДАН ЧИҚМАЙ ТУРИБ  
РЕСТОРАН ТАНЛАНГ**

**www.restoran.uz**

Иқтисодий-ҳуқуқий газета  
**НОРМА МАСЛАХАТЧИ** ХУҚУҚ СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ

БОШ МУҲАРРИР  
ФАРҲОД ҚУРБОНБОВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:  
100105, Тошкент ш.,  
Миробод тумани,  
Таллимаржон кўч., 1/1  
E-mail: gazeta@norma.uz,  
normapress@mail.ru  
www.norma.uz  
Нашр учун масъул:  
Нодир Алимов

Муаллифлар фикри доим ҳам тахририят нуқтаи назарига мос келмавермайди.  
Тахририят муштарийлар билан ёзишиб туриш имкониятига эга эмас.  
"Норма маслаҳатчи"да эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа  
манбаларда кўпайтириш, тарқатишига фақат "Норма" МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

Газета тахририят томонидан тайёрланган диапозитивлар ёрдамида "ТОПРИНТ" МЧЖ  
босмаҳонасида босилди (Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1).  
Индекс - 186 Буюртма 1254 Адади 3900. Баҳоси келишилган нархда  
Газета 2011 йил 7 октябрда соат 19.00 да топширилади.  
ISSN 2010-5223